

№11  
(1545)  
2026-YIL  
18-IYUN

# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ  
УЗБЕКИСТАНА



t.me/ozbekistondasog'liqsaqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

## Халқаро форум

# ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ НИГОҲИДА

Давлатимиз раҳбари форумда қатнашаётган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли халқаро молия институтлари, йирик компаниялар, жамғармалар, ва етакчи ишбилармонларни қутлади. Бу йилги форумда дунёнинг 100 та давлатидан 4 мингга яқин хорижий меҳмонлар қатнашмоқда.

– Сизларнинг иштирокингиз халқаро миқёсда Янги Ўзбекистон тараққиётига бўлган ишонч тобора ортиб бораётганининг яна бир ифодасидир.

Форум доирасида биргалликдаги ҳаракатларимиз катта марраларга эришиш учун мустаҳкам пойдевор бўлмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда юртимизга 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, шундан 123 миллиард доллари охириги беш йилга тўғри келмоқда.

Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали шерикликка тайёр

инвесторлар учун доимо очикмиз, – деди Президентимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, тадбирда иштирок этаётган Албания Президенти Байрам Бегай, Россия Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин, Беларус Бош вазири Александр Турчин, Озарбайжон Бош вазири Али Асадов, Қозоғистон Бош вазири Олжас Бектенов, Қирғизистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси – Президент Администратсияси раҳбари Адилбек Касималиев, Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзодага, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Янги тараққиёт банки, шунингдек, Жаҳон банки,



Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестицияла-

ри банки, Европа инвестиция банки ҳамда хорижий банклар, компания ва ташкилотлар ва-

килларига миннатдорлик билдирилди.

ЎЗА

## Таклифлар тақдироти

### ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ВА ПАЛЛИАТИВ ЁРДАМ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев онкологик ва гематологик тиббий ёрдам ва паллиатив хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, давлат тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оғир касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, онкологик, гематологик ва онкогематологик касалликларга чалинган беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, паллиатив ва хоспис хизматларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Тақдимотда саратон касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган саратон касалликлари бўйича мақсадли тиббий текширувлар билан қамраб олишни камида

60 фоизга етказиш, саратон касалликларига чалинган беморлар орасида 5 йиллик умр давомийлиги кўрсаткичини 35 фоиздан камида 45 фоизга ошириш мақсад қилинган.

Бунинг учун 2027 йилдан бошлаб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган саратонга қарши курашиш бўйича Миллий дастур ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилади.

Мазкур дастур доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ходимларининг онкологик хушёрлиги оширилади. Улар саратон касалликларининг дастлабки белгиларини аниқлаш ва беморларни ўз вақтида ихтисослашган муассасаларга йўналтириш бўйича қайта тайёрланади.

Шунингдек, халқаро тавсиялар асосида клиник қўлланмалар қабул қилинади. Онкология йўналишида мультидисциплинар жамоавий ёндашув – бир нечта мутахассис иштирокида беморга ташхис қўйиш ва даволаш тактикаси жорий этилади.

Энг кўп учрайдиган саратон касалликларини эрта ташхислаш дастурлари ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалиётга киритилади. Беморларни

Давоми 2 – бетда▶

### ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Аввало, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берилди. Ушбу қонун парламент томонидан қабул қилинган.

Қонун билан Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар” номли янги боб киритилмоқда, бу орқали аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлигига таҳдид солаётган хавфли қилмишлар учун жавобгарлик чораларини кучайтириш кўзда тутилган.

Наркожиноятларнинг замонавий усул ва шакллари инobatга олиниб, ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш, наркотикларнинг ноқонуний муомаласига раҳнамолик қилиш, бангихо-

на ташкил этиш каби қилмишлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда. Шунингдек, 10 дан ортиқ хавфли қилмиш бўйича жазо чоралари оғирлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу қонун наркожиноятчиликка қарши курашишни янги босқичга олиб чиқиш, аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади ҳамда уни имзолади.

Тақдимотда идоралараро ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган “Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳақида ҳам ахборот берилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда нарковазият жиддий ўзгариб, анъанавий гиёҳвандлик воситаларининг ўрни синтетик наркотиклар эгалламоқда. Уларни тарқатиш усуллари ҳам ўзгариб, асосан, интернет орқали контакtsiz шаклда амалга оширилмоқда. Шунингдек, мамлакат ичкарисида яширин лабораториялар пайдо бўлаётгани ушбу соҳада ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Давоми 2 – бетда▶

## ■ Таклифлар тақдироти ■

# ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ВА ПАЛЛИАТИВ ЁРДАМ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

**Давоми. Боши 1-бетда**

киска муддатда текширувдан ўтказиш ва ташхис қўйиш имконини берадиган тезкор ташхислаш йўналишлари йўлга қўйилади.

Нур терапияси хизматини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, эскирган кобальт курилмалари босқичма-босқич замонавий чизиқли тезлаткичларга алмаштирилади, юқори дозали брахитерапия имкониятлари кенгайтирилади.

Паллиатив ва хоспис ёрдамни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. 2030 йилга қадар аҳолига бундай ёрдам кўрсатиш қамровини камида 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бунинг учун 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб республикада паллиатив ва хоспис ёрдамни кўрсатишнинг ягона тизими тиббий ва ижтимоий хизматлар интеграцияси асосида ташкил этилади. Паллиатив ёрдамга муҳтож шахсларни аниқлаш, йўллаш, ҳисобга олиш ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнлари электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Мобил паллиатив бригадалар фаолияти йўлга қўйилиб, уй шароитида тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш таъминланади. Стационар шароитдаги паллиатив ёрдам давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳамда хоспислар томонидан кўрсатилади.

Аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, барча ҳудудларда хоспис муассасалари босқичма-босқич ташкил қилинади. Тошкент шаҳар ҳудудлараро хосписи паллиатив ва хоспис ёрдамини методологик бошқариш, ҳудудларда мазкур хизматни ташкил этишга қўмаклашиш бўйича масъул муассаса этиб белгиланади.

Дастлаб Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида онкологик касаллиги сабабли паллиатив ва хоспис ёрдамига муҳтож беморларга хизмат кўрсатувчи мобил паллиатив бригадалар ташкил этилади. Самарқанд вилоятида оғир ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган болалар учун хоспис шаклида паллиатив ёрдам кўрсатиш марказининг фаолияти йўлга қўйилади.

Паллиатив ва хоспис ёрдамига муҳтожлиги электрон ахборот тизи-

мида қайд этилган беморларга тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан қўшимча тиббий текширув ва кўрикларсиз ногиронлик белгиланади. Уй шароитида парваришга муҳтож беморлар функционал кроват ва махсус матраслар билан ваучер тизими асосида таъминланади.

Шунингдек, маҳалла даражасида паллиатив ёрдам кўрсатиш, уй шароитида қараб туриш ва парвариш хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш, беморларнинг оила аъзолари учун “Оилани қўллаб-қувватлаш” хизматини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Тақдимотда гематологик ва онкогематологик касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари ҳам муҳокама қилинди.

2026-2030 йилларда бундай касалликларни эрта босқичларда аниқлаш улушини амалдаги 30-40 фоиздан 60 фоизгача ошириш режалаштирилган. Беморга ташхис қўйилган вақтдан трансплантация амалиётигача бўлган муддатни 6 ойдан 3 ойгача қисқартириш чоралари кўрилади.

Гематологик касалликларга чалинган беморларни 100 фоиз ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан қамраб олиш, ҳудудларда гемопоэтик ўзак хужайралари трансплантацияси амалиётларини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Тақдимотда давлат тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ва фармацевтика ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, камида 15 йиллик иш стажига эга ходимлар фарзандларининг Республика олий таълим муассасалари бакалавриатида ўқиши учун йиллик контракт тўловининг бир қисмини, шунингдек, шундай иш стажига эга ходимлар ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олишида дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаб бериш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари таклифларни маъқуллаб, қўриб чиқилган чора-тадбирларни сифатли амалга ошириш, ҳудудларда онкологик ва гематологик тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштириш, замонавий ташхислаш ва даволаш технологияларини жорий этиш юзасидан топшириқлар берди.

president.uz

# ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Давоми. Боши 1-бетда**

Янги қонун лойиҳасида давлат сиёсатининг 7 та асосий йўналиши белгиланмоқда. Улар орасида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларда “гиёҳвандликка қарши иммунитет”ни шакллантириш, интернет орқали содир этилаётган наркотиноятларга барҳам бериш, гиёҳвандликнинг барвақт профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация тизимини такомиллаштириш каби чоралар мавжуд.

Лойиҳада наркотиклар айланмаси, гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашишда бевосита иштирок этувчи 14 та давлат органининг вазифа ва ваколатлари аниқ белгиланиши назарда тутилган. Қонуний муомаладаги моддалар устидан давлат назорати ку-

чайтирилиб, уларни олиб киришдан тортиб, реализация қилишгача бўлган жараёнлар узлуксиз электрон назорат қилинади.

Прекурсорлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласини қатъий тартибга солишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилди. Бу борада электрон назорат тизимини жорий этиш, ноқонуний ҳолатларга қарши идоралараро ҳамкорликни кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Тақдимотда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айрим фуқаролар томонидан вояга етмаган шахсларга транспорт воситасини бошқаришга рухсат бе-

рилаётгани, бу эса йўлларда ўлим ва жиддий жароҳат олиш ҳолатларига сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Шу боис, янги ҳаётда асосида йўл ҳаракати қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш, оғир оқибатли аварияларнинг олдини олиш, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашишни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшлар орасида мазкур иллатнинг тарқалишига қатъий чек қўйиш, шунингдек, йўлларда инсон ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифларни маъқуллади. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

president.uz

## ■ Тадбир

# МУАММОЛАРНИ МАНЗИЛЛИ ҲАЛ ҚИЛИШ

**Пойтахтимизда соғлиқни сақлаш тизими раҳбарларининг аҳоли муаммоларини манзилли ҳал қилишда профессионал компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув курси бошланди.**

**Т**адбир жорий йил 13 март кунини Президент Шавкат Мирзиёев раислигида халқ мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар

ижроси доирасида ташкил этилди.

Унинг очилишида Президент Администрацияси, Президент Халқ қабулхонаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Президент хузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси масъуллари катнашди.

Уч кунлик ўқув курси давомида ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари ва туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика тез тиббий ёрдам маркази филиаллари ходимлари назарий ва амалий машғулотларда иштирок этади.

Бу жараёнда улар амалий кейслар ва интерактив сессиялар орқали замо-



навий бошқарув, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, соҳада коррупциянинг олдини олиш, тизимда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва тиб-

бий хизматлар сифатини ошириш бўйича ўз билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлайди.

ССВ Матбуот хизмати

# ДАВЛАТ ТИББИЙ СУГУРТАСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

*Бугунги кунда инсон саломатлиги ҳар қандай жамият тараққиётининг энг муҳим омили ҳисобланади. Юртимизда эса соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.*

**П**резидентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, тиббий хизмат сифатини ошириш, аҳолига қулай ва адолатли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган. Зеро, саломатлик бор жойда – фаровон ҳаёт бор. Шу нуқтаи назардан, давлат тиббий сугуртаси – бу шунчаки янги тизим эмас. Бу инсон саломатлигини энг олий кадрият сифатида эътироф этиш, ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт шароитини яратиш йўлидаги муҳим қадамдир. Ушбу ислохотлар натижасида соғлом, кучли ва фаровон жамият барпо этишга мустақкам замин яратилмоқда. Яна бир муҳим ўзгариш – тиббий хизматлар сифати оширишидир. Энди тиббиёт муассасалари кўрсатилган хизматга қараб молиялаштирилади. Бу эса рақобатни кучайтириб, шифокорларни ўз устида ишлашга, муассасаларни эса замонавий технологиялар билан жиҳозлашга ундайди. Шунингдек, давлат тиббий сугуртаси ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади. Даромадидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро қафолатланган тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу эса жамиятда тенглик ва ишонч муҳитини мустақкамлайди. Тизимнинг яна бир устун жиҳати – шаффофликдир. Мабағлар ҳаракати очиқ ва назорат остида бўлади. Бу коррупциянинг олдини олиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради. Муҳими, янги тизим фақат даволашга эмас, балки касалликларнинг олдини олишга ҳам катта эътибор қаратади. Эрта ташхис ва профилактика орқали аҳоли саломатлигини мустақкамлаш мумкин бўлади. Кам таъминланган оилалар, кексалар ва аҳолининг эҳтиёжманд катламлари ҳам тенг шароитда тиббий хизмат олиш имкониятига эга бўлади.

Аҳолини босқичма-босқич сугурта билан қамраб олинадиган ва асосий тиббий хизматлар давлат томонидан қафолатланади. Давлат қафолатлаган тиббий хизматлар рўйхати ишлаб чиқилади ва қайси хизмат пулли ва қайси хизмат бепул эканлиги очикланади. Пул бемор ортидан боради, шифохоналарга пул уларнинг ҳажмига эмас, беморларга кўрсатган хизматларига қараб берилади. Тиббиёт рақамлаштирилади электрон карта, онлайн навбат, электрон рецепт каби тизимлар жорий қилинади. Давлат ва хусусий сектор бирга ишлайди хусусий клиникалар ҳам тизимга қўшилиб, рақобат ва хизмат сифати оширилади. Бу эса жамиятда барқарорлик ва ишонч муҳитини мустақкамлайди. Қисқа қилиб айтганда, давлат тиббий сугуртаси нафақат саломатликни муҳо-

фаза қилиш воситаси, балки жамият тараққиётининг муҳим омилидир. У ҳар бир фуқарога ишонч, химоя ва эртанги кунга умид бағишлайди. Шунингдек, давлат раҳбари тиббий сугурта тизимини жорий этиш орқали аҳолини молиявий химоя қилиш, тиббиёт муассасаларида шаффофлик ва самарадорликни ошириш зарурлигини бир неча бор таъкидлаган. Бу эса тиббий хизматларнинг ҳамма учун тенг ва очиқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, “Соғлом жамиятни барпо этмасдан туриб, ҳеч қандай ислохотдан қутилган натижага эришиб бўлмайди”. Шу боис, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат тиббиёт тизимини, балки бутун жамият фаровонлигини юксалтиришга қаратилгандир. Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий қилишдаги асосий мақсад, аҳолини давлат томонидан қафолатланган тиббий ёрдам билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, унинг сифати ва ҳажмини ошириш ҳамда тиббий хизматлар бозорини замонавий талаблар асосида ривожлантириш ҳисобланади. Хусусан, Президентимизнинг “Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилашни таъминловчи ягона тизимни йўлга қўйиш, шаффоф, замонавий услуб ва мезонларни амалиётга жорий этиш каби масалаларни кун тартибига қўйди. Мазкур қарор билан аҳолининг қафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматлардан бепул фойдаланишлари, бунинг учун аҳолининг белгиланган муддатларда тегишли тиббий кўриклардан ўтишлари, оилавий шифокорга ёки тиббиёт бригадасига мурожаат қилиш талаб этилиши белгилаб берилди. Бунда оилавий шифокор даволаш ва ташхислаш стандартларига мувофиқ тор соҳа шифокорларига, зарур ҳолларда шифохоналарга электрон йўлланма беради ҳамда бемор мазкур йўлланма асосида тор соҳа шифокори томонидан кўриқдан ўтказилади ва (ёки) шифохонага ётқизилади. Ушбу тартибга риоя этилмаган ҳолларда тиббий хизматлар пулли асосда кўрсатилиши ҳамда аҳолига янада қулайлик сифатида шошилиш ва тез тиббий ёрдамлар беморга йўлланмаларсиз бепул кўрсатилиши белгиланди.

Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этиш жараёнида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари яъни туман/шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника (КТМП), оилавий поликлиника (ОП) ҳамда оилавий шифокорлик пунктлари (ОШП) томонидан ўзларига бириктирилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари,

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилган чет эл фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар (вояга етмаганлар учун ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари) ўртасида битим тузилиши кўрсатилган. Бу битим орқали эса ҳар бир аҳолининг соғлом турмуш тарзига риоя этиш, зарarli оdatлардан воз кечиш, ўз тиббий саводхонлигини ошириш, шифокор кўрсатмаларига амал қилиш, профилактик ва скрининг кўриклардан белгиланган муддатларда ўтиш вазифасини юклайди. Жумладан битим оилавий шифокорга аҳолини белгиланган тартибда қабул қилиш ва маслаҳат (ёки йўлланма) бериш, тиббий хизматларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиш, дори воситаларини тўғри тайинлаш каби мажбуриятларни юклайди. Ҳаммамизга маълумки, аҳолимизнинг кўп қисми касалликларни олдини олишга ҳар доим ҳам эътиборли бўлмайди, мазкур битим аҳолига яхши кўрсатма бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, давлат тиббий сугуртаси доирасида юксак аҳамиятга эга бўлган реимбурсация дастури ишга тушди. Бу халқимиз саломатлигини сақлаш мақсадида амалга оширилаётган катта бир қадамдир. Реимбурсация сўзи қоплаб бериш деган маънони бериб, бунда сурункали касаллиги бўлган беморларга берилган дори-воситалари харажатлари давлат тиббий сугуртаси томонидан тўлиқ қоплаб берилади. Соддароқ айтиладиган бўлсак, шифокор томонидан ёзиб берилган электрон рецепт асосида бемор дори-воситаларини Давлат тиббий сугурта жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) билан шартномада бўлган дорихоналардан бепул олади ва дорихоналарнинг тегишли сарф-харажатлари Жамғарма мабағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади. Шунингдек, сурункали касаллиги бор беморлар дори воситаларини узлуксиз, йиллар давомида бепул олиш имкони яратилган, бу ўз навбатида сурункали касалликлар хуружини, инфаркт, инсулът ҳолатларини олдини олиб, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларининг камайишига олиб келади.

Қарорда шаффофлик ва адолатлиликни таъминлаш мақсадида тиббиёт ташкилотлари фаолиятида ва бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилинадиган «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизими яратилади ҳамда ишга тушириш белгиланган. “Электрон соғлиқни сақлаш” тизими халқимизга қуйидагиларни беради: Тез ва қулай тиббий хизмат (онлайн ёзилиш, навбатлар камайди), барча тиббий маълумотлар бир жойда сақланади, қоғозбозлик ва ортиқча югур-югур камайди, шаффофлик ошади, коррупция камайди, шифокорлар аниқроқ ташхис қўяди ва даволаш жараёнларини назорат қилиш имкони яратилади.

Шунингдек, бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш жоизки, давлат тиббий сугурта механизмларини жорий этиш

жараёнида ҳар бир тиббиёт муассасаси билан қафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларнинг хариди жорий этилади ҳамда тиббиёт ташкилотлари ва Жамғарма ўртасида тузиладиган шартнома асосида улар фаолияти молиялаштириб борилади. Тиббиёт муассасаси раҳбарига муассасанинг қуввати доирасида бўлинмалар ихтисослашувини, улардаги даво ўринлари сонини ўзгартириш ҳамда ажратилган мабағлар доирасида ходимлар сонини иш ҳажмига мувофиқ белгилаш ваколати берилади. Бу эса муассаса раҳбарига замонавий бошқарув тизимини жорий этиш орқали тиббий хизматлар сифатини ошириш учун катта имкониятлар яратади.

Қафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни давлат ҳамда нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиш тизимининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу ёндашув тиббиёт соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириб, хизматлар сифатини оширишга хизмат қилади. Натижада тиббиёт муассасалари замонавий технологияларни жорий этиш, шифокорлар малакасини ошириш ва беморларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга интилади. Шу билан бирга, давлат тиббиёт тизимида тушадиган юклама камайиб, ресурслардан янада самарали фойдаланиш имконияти яратилади. Умуман олганда, мазкур тизим тиббиёт соҳасини янада шаффоф, рақобатбардош ва бемор манфаатига йўналтирилган ҳолга келтиради.

Туман (шаҳар), вилоят ва республика шифохоналарида тиббий ёрдам кўрсатишда касалликнинг оғирлик даражасида келиб чиқиб, бепул даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу тизимнинг жорий этилиши тиббий ёрдамни босқичма-босқич ташкил қилиш, беморларни тўғри йўналтириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконини яратади. Натижада шифохоналар юкломаси оптималлашади, давлат мабағлари мақсадли сарфланади ҳамда тиббий хизматлар сифати ошади. Энг муҳими, аҳоли учун аниқлик ва адолат тамойиллари мустақкамланиб, ҳар бир фуқаро ўз вақтида ва тўғри даражадаги тиббий ёрдамни олиш имконига эга бўлади. Имтиёзли тоифадаги шахслар, яъни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича гинекологик касалликлар ҳамда патологик ҳомиладорлик, эндокрин касалликлар, тери касалликлари ва жинсий йўл билан юктириладиган касалликлар, туберкулёз касаллиги, 18 ёшга тўлмаган болаларнинг патологияси, онкология касалликлари, гематология касалликлар, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тасдиқланган маълумотлар асосида ёшга доир пенсияга чиққан, ишламайдиган шахслар, 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари

## 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни олдида

*Ҳар бир соҳа кишининг эгаллаган касбига қизиқиши ўз-ўзидан тугилиб қолмаган. Бунда унга туртки берган, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар кўрсатган инсонларга, кейинчалик тарбиясини аямаган устозларга боғлиқдир. Менинг ҳам матбуотга кириб келишимда жуда кўпчилик, айниқса, номдор журналистлар мададкор бўлишган.*

Эсимда, 4-синфда ўқиётган чоғларим эди. «Ленин учкун» /ҳозирги «Тонг юлдузи»/ газетаси ва «Пионер» /ҳозирги «Гулхан»/ журналга хабар ва мақолалар ёзиб турардим. Уларда Нафиса Тиллаҳжаева, Абдувоҳид Муллабоев деган калами ўткир журналистлар ишларди. Ёш, ҳаваскор мухбирлар билан муносабат бобида сира эринмаганликларини йиллар ўтиб ҳис этдим. Улар гоҳи – гоҳида жавоб хатлари ҳам ёзиб туришар эди. Хатларда фойдали маслаҳатлар беришар, ёзишда давом этишимни уқдиришар, ҳатто, айрим хатларимни ўзимга қайтариб ҳам юборишардики, улардаги имло хатолари бор сўзларнинг остига қизил қалам билан чизиб қўйишарди. Камчиликларимдан сабоқ олиб, бошқа такрорламаслигим учун шундай қилишарди-да. Бу Абдувоҳид ака ва Нафиса опаларнинг қўлига эндигина қалам тутган болаларга – «хаваскор мухбир»чаларга кўрсатган меҳрибонликлари ва гамғўрликлари, ижодга йўллаш йўлидаги савобли ишлари эканлигини бугун янада чуқурроқ англаб етяпман. Уларни биринчи устозларим деб ҳисоблайман ва хотиралари олдида таъзим қиламан.

Етинчи синфда ўқиётганимда, Республика радиосига чевар теримчи ҳақида ўзимча, бадиийлаштирган бўлиб каттароқ мақола ёздим. Унга «Тонг юлдузи» деб сарлавха қўйдим, сарлавха остига эса очерк сўзини қўшиб қўйдим. Орадан кўп ўтмай номимга хат келди. Очиб ўқисам, бўлим мудирини Анвар Эшондан экан. У кўнглимни тоғдек кўтарадиган сўзларни ёзибди. Жумладан, шундай дебди: «Хурматли Ҳ. Фозилов! Бизга юборган очеркингни олдик. Таҳрирлаб, эшиттиришга тайёрлаб қўйдик. Дастурларимизни кузатиб боринг, тез орада эфирга кетади... Ёзишни бўшаштирманг. Астойдил бўлинг. Янги очерклар кутиб қоламиз. Салом билан Анвар Эшон. Имзо».

Ҳозир ўйлаб қарасам, мен ёзган нарсаси очерк талабларига етарли даражада жавоб бермасда, уни қайта ишлаб, тўлдирган, Анвар Эшондек зукко шоир ва ёзувчи мени руҳлантириб, ижодда давом этишимни истаб, радиода эълон қилдирган. Қимматли вақтини аямасдан, кўнглимни кўтарадиган мактуб ёзганини айтмайсизми. Агар бошқа ғўрроқ ёки ёшроқ адабий ходим бўлганида борми, «Очеркингни очерк даражасида ёзилмаганлиги учун қолдирилди» деб тўмтоққи-

на жавоб жўнатиб қўяқолган бўларди. Ҳатто, “ёзишда давом этинг” ҳам демасди. Мен ёшларнинг келажagini ўйлаб иш тутган Анвар аканинг номини ҳамиша қалбимнинг тўрида сақлайман.

## УНУТИЛМАС УСТОЗЛАР ЁДИ

(Кекса журналист хотираларидан)

8-синфда ўқиётган кезларим эди. Наманган вилояти Андижон вилоятига қўшилиб кетди. Унинг биз яшаб турган Сарой қишлоғидан кейинги Шаҳандга туташ анчагина қисми Фарғона вилоятига берилди. Ҳар иккала худуддан хабар ва мақолалар ёзиб, вилоятлар радио эшиттириш таҳририятларига йўллаб турардим. Кундузги ва кечки эшиттиришларни сабрсизлик билан кутардим. Чунки ёзганларим икки-уч кун ичидаёқ, овозлари ширали суҳандонлар томонидан ўқиларди. Ҳар икки таҳририят ходимлари ҳам хатим етиб борган заҳоти, ишлаб туширишар ва ўша кунги эшиттиришда эфирга узатишар эди.

Кўпроқ Фарғонада Тожихон Раҳматуллаева, Андижонда Муниҳон Маҳмудовалар ўқишларига тўғри келарди ёзганларимни. Шунинг учун бўлса керак, улар байрамларда откритка орқали табриклар йўллаб, мухбирлик соҳасида ижодий муваффақиятлар тилашар, бу билан мени рағбатлантириш билан бирга матбуотга бўлган қизиқишимни орттиришарди. Баъзан насиҳатомуз мактублар ҳам юбориб туришарди. Муниҳон опа роман ва кассаларни кўпроқ ўқишга, бадиий ижод билан ҳам шуғулланишга ундаса, Тожихон опа радиодан ташқари, газеталарда ҳам хабар ва мақолаларим билан қатнашиб туришим кераклигини уқтирарди. Опа бир хатида шуни алоҳида таъкидлаб ёзган эдиларки, матбуот саҳифаларида босилиб чиққан материалларимни қирқиб олиб, махсус альбомга ёпиштириб бориш-

ни, улар мен учун тарих бўлиб қолишини айтганди. Опанинг маслаҳати билан юритган альбомим ҳозир ҳам сақланади. У мен учун тарихгина бўлиб қолмасдан, Тошкент давлат университети филология факультетининг журналистика бўлимига ўқишга киришимда асқотди ҳам.

Ниҳоят, 1964 йилнинг 31 июль куни хужжатларимни олиб, Тошкент давлат университети – ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети қабул комиссиясига бордим. Қабул ишлари масъули бўлган Ҳамидулла Умаров деган домла хужжат



\* \* \*

Файзи Шохисмоил, Маҳкам Маҳмудов, Анвар Ҳожимирзаев, Эркин Маликов, Республика радиосида Мақсуд Мусаев, Ўлмас Умарбеков каби атоқли журналист ва адиблар билан танишдим. Улар ёзганларимни олиб қолишар, шу билан бирга жумла тузиш, такрорий сўзларда уларнинг синонимларидан фойдаланиш, асосан мазмунга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги юзасидан маслаҳатлар бериб туришарди. Улар ҳам унутилмас устозларим бўлиб қолдилар.

\* \* \*

Бир муддат Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдуфаттоҳ Ражабов, ҳаживчи ёзувчи Акрам Қодирийлар билан вилоят «Наманган ҳақиқати» газетасида ёнма-ён меҳнат қилганлигим билан жуда-жуда фахрланаман. Уларнинг ёзиш, таҳрирлаш услубларини, иш тажрибаларини ўрганганлигим, олган сабоқларим ижодий ўсишимда катта аҳамият касб этган.

Бугун ёшим саксондан ўтиб, Истиклол ислохотлари туфайл оламга танилган Янги Ўзбекистонимизнинг навқирон ижодкор авлодига беҳад ҳавасим келади. Қани эди ёшариб қолсам, бундай бекиёс ўзгаришлар ҳақида жўшқин илҳом билан қалам тебратсам, дейман. Қалбдан шогирдларимни эса доимо дуо қиламан. Бахтиёр кексалигимга мингдан-минг шуқроналар айтаман.

Ҳамид ФОЗИЛ,  
Ўзбекистон журналистлари  
уюшмаси аъзоси.

## ЭЛ АРДОҒИДАГИ ШИФОКОР

Бир неча йилдирки, Тошкентда яшайман. Яқинда опанинг қизи Наргиза кўнғироқ қилиб холажон, онамнинг аҳволи оғир, Самарқанд вилоятидаги Нарпай ва Каттакўрғон туман тиббиёт бирлашмаларидаги тиббиёт ходимлари томонидан тиббий кўриклар ўтказилди ва даво муолажалари олинди. Улар онамнинг саломатликларини тиклаш учун қўлларидан келганича ҳаракат қилишди, бироқ айтарли даражада натижа бўлмади, деди.

Шунда мен тажрибали шифокор Ғулом Эргашев даволаса, опам албатта, соғайиб кетади, дедим жиянимнинг кўнглини кўтариб. Тошкентдан Нарпайга қандай етиб келганимни билмайман. Соғлиқ инсон ҳаёти учун бебаҳо бойлик эканлигини ҳасталик азобига дучор бўлган инсонгина юрак-юракдан ҳис этади. Бу шифо масканига нафақат Нарпай, Самарқанд вилояти ва қўшни вилоятларнинг чекка қишлоғу шаҳарларидан дардига даво излаб келаётган беморларни кўриб, қўли енгил шифокор Ғулом Эргашевга бўлган меҳрим янада ошди. Опажоним Назокат Назарованинг тезда соғайишида шифокорлардан Ғулом Эр-

гашев, Замира Мухторова, Аваз Худойбердиев, катта ҳамшира Нафосат Маҳкамова, ҳамширалар : Озода Боймуродова, Феруза Наврўзова, Нурхон Арзамова, кичик тиббиёт ходими Гулчехра Тўхлиева, ошпаз Дилафруз Санокүлова бўлим бекаси Ҳабиба Бобоёроваларнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди.

Шунингдек, шифохонанинг барча бўлимларига дори-дармонларни ўз вақтида етказиб бераётган доришунос Илёс Танибердиевнинг хизмати таҳсинга лойиқдир.

Самарқанд вилояти Нарпай тумани тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлими бошлиғи асаб касалликлари шифокори Ғулом Эргашевдан миннатдоримиз.



75 ёшли Назокат опамни уйига олиб қайтар эканмиз, дардига даво излаб келаётган беморларнинг қалбида энг аввало соғайишига бўлган ишонч уйғота олган, элнинг ардоғидаги шифокор Ғулом Эргашевга куч-қувват, беморларга эса, Аллоҳдан шифо сўраб хайрлашдик.

Сафия НАЗАРОВА,  
Самарқанд вилояти.

# АНЪАНА ВА ИННОВАЦИЯЛАР ҲАМОҲАНГЛИГИ

Тиббиётда анъаналар ва инновацияларни бирлаштириб Шарқ гавҳари, мухташам Самарқанд ўз эшикларини ноёб воқеа учун очди. Самарқанд шаҳрида кунча тиббиётдаги сўнгги ютуқларга бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди. Давлат илмий-тиббиёт кутубхонаси (ДИТК) ва Самарқанд вилоят илмий тиббиёт кутубхонаси томонидан ташкил этилган ушбу муҳим тадбир тарихий шаҳар гумбазлари остида Ўзбекистон тиббиёт ҳамжамиятининг энг ёрқин вакилларини: етакчи шифокорлар, тиббиёт олий ўқув юртлигининг иқтидорли талабалари ва тиббиёт кутубхоналари директорларини бирлаштирди. Барчанинг мақсади битта эди – тиббиёт келажиги билан танишиш ва ўз билимларини бойитиш.

Семинарнинг тантанали очилиши вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Сухроб Зайниевнинг кутлов сўзи билан бошланди. Унинг донишмандлик ва истиқболли қарашлар билан йўғрилган нутқи тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади ҳамда кундалик шифокорлик амалиётида узлуксиз таълим ва инновацион ёндашувларни жасорат билан жорий этишнинг инкор этиб бўлмас аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Иштирокчилар замонавий тиббиёт қиёфасини шакллантираётган энг долзарб мавзулар муҳокамасига иштиёқ билан киришдилар:

**Сунъий интеллект** – шифокор учун янги горизонт: Диагностикани тубдан ўзгартиришга, даволаш жараёнларини оптималлаштиришга ва тиббий ёрдамни ҳақиқий индивидуал (персоналлаштирилган) қилишга қодир бўлган сунъий интеллект (СИ) платформаларининг имкониятлари тақдим этилди.

СИ ҳар қандай тиббиёт ходими арсеналида ажралмас ёрдамчи сифатида ўзини ишончли намоён этмоқда.

**Нашр қилиш кучи ва патент қидирувининг аниқлиги:** Илм-фан шиддат билан ривожланаётган даврда нафақат кашфиётлар қилиш, балки уларни илмий ҳамжамиятга тўғри етказиш, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тараққиёт ва шахсий муваффақият калитига айланмоқда.

**Нашрга йўл: қаерда ва қандай:** Иштирокчилар нуфузли илмий нашрларни танлаш ва ўз ишларини нашр этиш стратегиялари бўйича багафсил тавсиялар олдилар, бу эса халқаро миқёсда тан олинган учун эшикларни очди.

**ДИТКнинг туганмас ресурси:** Давлат илмий тиббиёт кутубхонасининг барча тадқиқотчилар учун долзарб илмий маълумотлар дунёсида ишончли йўлбошчи бўлишга қаратилган ноёб имкониятлари ва воситалари намоён этилди. Биз, ДИТК мутахассислари, Сухроб Зайниевга ушбу муҳим тадбирни ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказишга қўшган бекиёс ҳиссаси учун чуқур миннатдорлик билдира-миз. Унинг қўллаб-қувватлаши ва фаол иштироки самарали мулоқот ва бебаҳо тажриба алмашиш учун кучли туртки бўлди. Ушбу Самарқанд семинари нафақат мутахассислар учрашуви, балки ўзбек тиббиётининг кўп асрлик анъаналарини келажакнинг илғор ечимлари билан боғловчи мустаҳкам кўприкка айланди. Ишонамизки, бу ерда олинган билимлар ва мунозаралар давомида туғилган ғоялар тиббий ёрдам сифатини оширишда ўз аксини топади ва юртимиз илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшади.

## ИННОВАЦИЯЛАР ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 15 январдаги «Аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва китоб ўқишга бўлган



қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 9-сонли Қарорига мувофиқ, замонавий талаб ва эҳтиёжларга жавоб бериш учун фаолиятни яхшилаш ва инновацион ёндашувларни жорий этишга қаратилган аниқ ривожланиш стратегияси зарур. 1976 йилда ташкил этилган Самарқанд вилоят илмий тиббиёт кутубхонаси (ВИТК) ҳудуд тиббиёт ҳамжамияти учун бебаҳо ресурс бўлган бой фондга эга.

ВИТК директори Нилуфар Одилова ана шундай режани шакллантириш устида фаол иш олиб бормоқда. Кутубхона фаолиятини яхшилаш бўйича ушбу режа бир нечта асосий йўналишларни ўз ичига олади, улардан бири – моддий-техник базани модернизация қилишдир. Бу йўлдаги муҳим кадам вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Сухроб Зайниев томонидан илгари сурилган компьютер техникаси билан жиҳозлаш ва яхшилаш бўйича таклиф бўлди. Бу таклиф вилоят раҳбарияти кутубхона ишида рақамли технологияларга ўтиш зарурлигини англашга таъкидлади. Замонавий компьютерлар билан жиҳозлаш қуйидаги имкониятларни беради: Электрон ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш; Фойдаланувчиларга электрон журналлар, маълумотлар базалари ва онлайн-каталоглар билан самарали

ишлаш имкониятини яратиш.

**Янги хизматларни жорий этиш:** Масофавий хизмат кўрсатиш, онлайн-консультациялар, виртуал кўргазмалар ва вебинарларни амалга ошириш.

**Ички жараёнларни оптималлаштириш:** Каталогга киритиш, индекслаш ва маълумотларни қидиришни тезлаштириш, кутубхона ишининг умумий самарадорлигини ошириш.

**Ходимларни ўқитиш:** Янги ускуна ва дастурий таъминот билан ишлаш бўйича тренинглари ўтказиш орқали ходимлар малакасини ошириш.

Сухроб Зайниевнинг таклифини амалга ошириш, директор Нилуфар Омонованинг ривожланиш стратегиясининг бошқа йўналишлари бўйича фаол ишлари билан биргаликда, Самарқанд илмий тиббиёт кутубхонасига энг юқори сифат ва қулайлик стандартларига жавоб берадиган етакчи ахборот маркази сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга имкон беради. Ушбу комплекс ёндашув кутубхонанинг бой фонди тиббий таълим, илмий тадқиқотлар ва амалиётни қўллаб-қувватлаш учун максимал даражада самарали ишлатилишини кафолатлайди.

**Лола ЭРГАШЕВА,**  
Давлат илмий-тиббиёт кутубхонаси директори ўринбосари

## Миннатдорчилик

# МЕҲНАТЛАРИНГИЗ ЮКСАК ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

Сўнгги вақтларда оёқларимдаги оғриқ ва ҳаракатланишдаги қийинчиликлар кундалик ҳаётимга жиддий таъсир кўрсата бошлаган эди. Турли даволаш усулларини синаб кўрган бўлсам-да, қутулган натижага эриша олмаган пайларим бўлди. Шундай вазиятда Neuro Balance клиникаси мутахассисларига мурожаат қилишга қарор қилдим.

Клиникага борган илк кунимданок неврокинезолог Адҳамжон Раҳматуллаевнинг самимий муносабати, касбига бўлган юксак масъулияти ва беморга бўлган эътиборини ҳис қилдим. У киши мени илиқ кутиб олиб, муаммоларимни диққат билан тинглади ҳамда даволаш жараёни ҳақида батафсил маълумот берди. Бу эса менда ишонч ва умид уйғотди.

Кинезиология соҳаси Ўзбекистонда янги йўналишлардан бири бўлиб, мамлакатимизга кириб келганига беш йилча вақт бўлган бўлса-да, Neuro Balance клиникаси ушбу соҳани ривожлантириш ва аҳолига танитишда илк кадам ташлаган муассасалардан бири сифатида фаолият юритиб келаятиганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Клиникада қўлланилаётган даволаш усулининг асо-

сий афзаллиги шундаки, у ортикча дори-дармонлар ва кўплаб уколларга таянмасдан, инсон организмнинг табиий имкониятларини ишга солиш, асаб ва мушаклар ҳаракатини тиклаш орқали соғломлашишга ёрдам беради. Мутахассисларнинг билим ва тажрибаси натижа-сида мен ўзимда сезиларли ижобий ўзгаришларни ҳис қилдим. Ҳаракатланишим енгиллашди, ўзимни яхши ҳис қила бошладим ва ҳаётга бўлган ишончим янада мустаҳкамланди. Энг муҳими, бу ерда беморга шунчаки мижоз сифатида эмас, балки инсон сифатида муносабатда бўлишди. Ҳар бир мутахассиснинг масъулияти, ҳушмуомалалиги ва бемор дардига бефарқ бўлмаслиги менда катта таассурот қолдирди. Шу муносабат билан Neuro Balance клиникасининг барча мутахассислари, хусусан, неврокинезолог Адҳамжон Раҳматуллаевга ҳамда клиниканинг бутун жамоасига чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз ва инсон саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз юксак эътирофга муносиб.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, шарафли фаолиятингизда улкан ютуқлар ва халқимиз саломатлиги йўлидаги эзгу ишларингизда омад тилайман.

**Ҳикоят ТОЛИПОВА,**  
Навоий вилояти, Кармана тумани.



# ДАВЛАТ ТИББИЙ СУГУРТАСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

## ◀ Давоми. Боши 3-бетда

ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар, 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жа-бҳасининг қатнашчилари, Чернобыль АЭС фалокатини тугатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар; Мудофаа вазирлиги вазирлиги томонидан тасдиқланган маълумотлар асосида Байналмилалчи-жангчилар ва чақиров комиссияларининг йўлланмалари бўйича чақиров ёшидаги (18 — 27 ёшдаги) шахслар; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тасдиқланган маълумотлар асосида Болаликдан ногиронлар ва I ва II гуруҳ ногиронлари Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқланган кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар, Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга мансуб шахслар; Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавкулда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона кўмитаси, Электрон технологияларни ривожлантириш маркази томонидан тасдиқланган рўйхатга асосан Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида яра-ланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ҳодимнинг) оила аъзолари ҳамда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавкулда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона кўмитаси ва Электрон технологияларни ривожлантириш маркази тизимидаги ташкилотларда хизмат даври бўйича пенсияга чиққан ишла-майдиган шахслар шифокор кўрсат-масига биноан ахборот тизими орқали

шакллантирилган электрон йўллан-ма асосида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул даволанадилар. Бунда имтиёзли тоифадаги Ижтимоий реестр-га киритилган оилаларнинг аъзолари ҳамда оила аъзоларининг жон бошига ойлик даромади минимал истеъмол ха-ражатлари миқдорининг 2 бараваридан кўп бўлмаган оилаларнинг аъзолари-ни жарроҳлик амалиётисиз даволаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш ха-ражатлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғар-маси маблағлари ҳисобидан Жамғарма орқали молиялаштирилади. Шу билан бирга, бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ тўловчилар, сўнгги бир йил давомида камида олти ой жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ тўлаганлар, Солиқ кодексига мувофиқ меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун белгиланган миқ-дорларда солиқ тўлаган шахслар, воя-га етмаганлар, таълим ташкилотлари ўқувчи-талабалари, ҳомиладор аёллар ва икки ёшга тўлмаган боласини парва-ришлаётган шахслар, меҳнат органла-рида ишсиз сифатида расмий рўйхатдан ўтганлар, давлат пенсиясини олувчилар ҳамда Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари 2026 йил июль ойидан давлат тиббий сугуртаси меха-низмлари жорий этилган ҳудудларда туман (шаҳар) ва ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасаларида режали стаци-онар тиббий ёрдамни электрон навбат асосида бепул олиш ҳуқуқига эга бўла-ди.

2027 йил 1 январдан бошлаб 2027 йил 1 январдан бошлаб сўнгги бир йил давомида камида олти ой жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ тўлаганлар, Солиқ кодексига мувофиқ меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун белгиланган миқ-

дорларда солиқ тўлаган шахслар ҳамда вояга етмаганлар, таълим ташкилотлари ўқувчи-талабалари, ҳомиладор аёллар ва икки ёшга тўлмаган боласини парва-ришлаётган шахслар, меҳнат органла-рида ишсиз сифатида расмий рўйхатдан ўтганлар, давлат пенсиясини олувчилар ҳамда Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари давлат тиббий сугуртаси тизимида юқори техноло-гик тиббий ёрдамни бепул олишларига шароит яратилади. Айни вақтларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг ПФ-88-сонли "Республикада соғ-ликни сақлаш тизимини ва аҳолига тиб-бий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ис-лоҳ қилишни изчил давом эттириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижрога қаратилган бўлиб, унда Соғлик-ни сақлаш тизимини энг илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар си-фатини ошириш, бирламчи тиббий-са-нитария ёрдами кўрсатишнинг замона-вий тизимини шакллантириш, соҳага янги бошқарув тамойилларини жорий қилиш устувор масала қилиб белгилан-ган. Юқори аҳамиятга эга мазкур Фар-монда илғор хорижий тажриба асосида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги тизимини жорий этиш мақсад қилиб белгиланган. Бунда, халқаро тажрибага асосланган аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги моделини жорий қилиш, бирламчи тиббий-сани-тария ёрдами муассасалари, хусусан, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиника-лар, маҳалла тиббиёт пунктлари фао-лиятини ягона ёндашув асосида таш-кил қилиш орқали аҳолига тиббиётни янада яқинлаштириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда оилавий шифокор улушини 70 фоизга етказиш, соғлик-ни сақлаш тизимини рақамлаштириш

ҳамда тиббиётда қоғозбозликни камай-тириш орқали тиббиёт ходимлари иш юкларини 30 фоизгача камайтириш, аҳолининг бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан розилиги даражасини 85 фо-издан ошириш, тиббиёт ходимларини самарадорликнинг энг муҳим кўрсат-кичлари асосида моддий рағбатланти-риш тизимини жорий қилиш, тиббиёт бригадалари ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш ассий мақсад қилиб белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон-да соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чо-ра-тадбирлар фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилишда янги босқични бошлаб бермоқда. Давлат тиббий сугуртаси тизимининг жорий этилиши, қафолат-ланган тиббий хизматлар пакети ҳамда касаллик оғирлигига қараб босқич-ма-босқич йўналтириш механизми соғ-ликни сақлаш тизимини янада тизимли, шаффоф ва самарали қилади. Энг муҳи-ми, бу ислоҳотлар инсон манфаатини марказга қўйган ҳолда ҳар бир фуқарога сифатли ва адолатли тиббий ёрдам кўр-сатиш имкониятини кенгайтиради.

**Азиз юртдошлар! Соғлик - инсон ҳаётидаги энг улугъ неъматдир. Ҳар бир хонадонда тинчлик, хотиржам-лик ва энг муҳими, мустақкам сало-матлик барқарор бўлсин. Юртимиз-да амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар бир фуқарога сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконини берсин. Оилаларимиз доимо соғ-са-ломат, бахтли ва фаровон ҳаёт кечи-ришсин. Юртимизга тинчлик, халқи-мизга эса кучли саломатлик ва узоқ умр тилаймиз!**

**Дилноза ТУРАЕВА,**  
Давлат тиббий сугуртаси  
жамғармаси Тошкент вилояти  
ҳудудий бўлинмаси Тиббий  
хизматлар харидини ташкил  
этиш бўлими бошлиғи.

## ■ Тиббиётимиз ютуқлари

# МУРАККАБ КОРОНАР ИНТЕРВЕНЦИОН АМАЛИЁТ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛДИ

Бухоро вилоятида юрак-қон томир касал-ликларини даволаш борасида муҳим тиббий ютуққа эришилди. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиа-лида илк бор юқори мураккабдаги коро-нар интервенцион амалиёт муваффақиятли бажарилди.

1963 йилда туғилган бемор кучли кўкрак қафаси оғриғи, нафас қисиши ҳамда жисмоний фаолликнинг кескин чекланиши билан шошилич равишда шифо-хонага мурожаат қилган. Маълум бўлишича, у аввал ҳам юрак-қон томир касалликлари сабабли даволан-ган бўлиб, 2011 йилда чап олдинги тушувчи коронар артерияга учта стент ўрнатилган, 2016 йилда эса аор-токоронар шунтлаш операциясини бошдан кечирган. Ўтказилган коронарография текшируви натижа-

сида табиий коронар артерияларнинг деярли тўлик беркилгани, шунингдек, маммария шунти соҳасида ҳаёт учун хавfli даражадаги торайиш мавжудлиги аниқланган. Беморнинг аҳволи оғирлиги ва такрорий очиқ юрак операциясининг юқори хавфи инobatта олиниб, шошилич интервенцион муолажа ўтказиш-га қарор қилинган.

Тажрибали интервенцион кардиологлар томони-дан бажарилган мураккаб эндоваскуляр амалиёт да-вомида маммария шунти орқали стент муваффақият-ли имплантация қилинди. Натижада юрак мушагига қон етказиб бериш тикланиб, беморнинг аҳволи сези-ларли даражада яхшиланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу амалиёт Бухоро вилоятида маммария шунти орқали бажарил-ган энг мураккаб интервенцион муолажалардан бири бўлиб, ҳудудда замонавий ва юқори технологик кар-



диологик ёрдам имкониятлари тобора кенгайиб бора-ётганини намоён этмоқда.

**Бухоро вилояти Соғликни сақлаш бошқармаси Матбуот хизмати.**

## ■ Ибрат

**К**адим Маъмун академияси руҳи хануз ҳавосида сезилиб турадиган бу муборак тупроқда илм – касб эмас, ҳаёт тарзи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу заминдан табобатни виждон деб билган, илмни эса инсонга хизмат қилишнинг энг олий шакли сифатида англаган инсонлар етишиб чиқади.

Мен шундай инсонлар ҳақида кўп ёзганман. Лекин баъзи тақдирлар борки, улар ҳақида ёзишдан аввал қалбингиз сукут сақлайди. Чунки у ерда фақат биография эмас, бутун бир даврнинг маънавий қиёфаси яшайди.

Шифокор Орзул Янгибоева ва профессор Зариббой Янгибоев ана шундай тақдир эгаларидир.

Бу икки инсон ҳақида алоҳида ёзиш мумкин эди. Бирининг ҳаёти–ҳалқ ишончига айланган меҳрибон табиба қисмати. Иккинчисиники – Ўзбекистон тиббиётида ўз мактабини яратган олим ва жарроҳ ҳаёти.

**Аммо уларни ажратиб бўлмайди.**

Чунки уларнинг ҳаёти битта илдиздан сув ичган икки дарахтга ўхшайди. Бу илдиз – меҳнат, сабр, ота тарбияси ва халққа хизмат қилиш фалсафаси эди.

Орзул опа акаси ҳақида гапирганда уни “профессор”, “олим”, “машҳур жарроҳ” деб эмас, аввал “бизнинг Зариббой ака” деб тилга олади. Ана шу бир оғиз сўзнинг ўзида бутун бир оила муҳити, ака-сингил меҳри ва йиллар давомида сақланган ҳурмат мужассам.

– Ака дегани биз учун суянч эди, – дейди у киши секингина. – У киши болалигидан бошқача эди. Жуда жиддий, жуда сабрли. Ҳаёт уни эрта катта қилди...

Ҳақиқатан ҳам, Янгибоевлар хонадонидан болалик эртақ каби ўтмаган. Урушдан яраланган ота, бетоб она, рўзгор ташвиши, қишлоқ ҳаётининг оғир юки – буларнинг барчаси фарзандларнинг елкасига эрта тушган эди.

Зариббой ака ҳали ўн ёшга етмай туриб меҳнатнинг аччиқ таъмини тотди. Тонг сахарда туриб иш қилиш, уйга ризқ топиш, ота-онага суянч бўлиш унинг кундалик ҳаётига айланди.

Орзул опа ўша кунларни эслар

экан, бир жиҳатни алоҳида таъкидлайди:

– Ака ҳеч қачон тақдирдан шикоят қилмаган. Қийинчиликни гўё ҳаётнинг табиий қисми деб қабул қиларди. “Меҳнат қилсанг – йўл очилади”, деб кўп айтарди.

Балким, кейинчалик унинг операция хонасидаги сабри, илмий изланишлардаги матонати ва инсон ҳаёти учун қураша билиши айнан ўша болалик йилларида шаклланган эди.

Хоразмнинг олис қишлоғидан чиққан, рус тилини билмайдиган бир йигитнинг Тошкент тиббиёт институтига кириши ҳам осон кечмаган. Лекин у илмни тасодиф эмас, тақдир деб билди.



# ИЛДИЗЛАРИ ОНА ЗАМИНГА ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

(Ака ҳақидаги хотира, ота меросига садоқат ва халқ хизматида бағишланган ҳаёт ҳақида очерк Орзул Янгибоева ҳикояси асосида)

Тошкентдаги талабалик йиллари, кейин Москвадаги академик аспирантура, эндокринологик хирургия соҳасидаги изланишлар – буларнинг барчаси оддий меҳнаткаш боланинг улкан илм оламига кириб бориш йўли эди.

Кейин эса бутун мамлакат тан олган профессор, минглаб беморлар ишонган жарроҳ, юзлаб шогирдлар учун устозга айланди.

**Аммо Орзул опа учун акасининг энг катта буюклиги бошқа ерда эди.**

– У киши одамни аямасди, – дейди у. – Беморга қараганда аввал унинг дардини ҳис қиларди. Операциядан чиққанидан кейин ҳам бемор аҳволини қайта-қайта сўраб кириб чиқарди. Шифокорликни иш эмас, қарз деб биларди...

Шу боис ҳам халқ орасида профессор ҳақида афсонадай гаплар тарқалди.

“Доктор Зариббой Янгибоевнинг кўли тегса, бемор тузалиб кетади...”

Бу ишонч шунчаки тиббий маҳорат натижаси эмас эди. Бу – меҳр ва виждоннинг кучига бўлган ишонч эди.

Орзул Янгибоева ҳам бутун умрини шифокорликка бағишлади. Гурлан тиббиёт бирлашмасидаги йиллар, оналар ва чақалоқлар ҳаёти учун кечаю кундуз қилинган хизматлар, халқ орасида қозонган ҳурмат – булар унинг ҳаётини мазмунга тўлдирди.

Аслида, ака-сингилнинг йўли икки хил эмасди.

Бири операция хонасида, бири туғруқ бўлимида ишлаган бўлса-да, иккаласининг ҳам ҳаёт фалсафаси битта эди:

инсонга наф келтириш.

Бу фазилят эса уларга мерос бўлиб ўтган эди.

Ота – ҳалол меҳнатни, она – сабрни, ҳаёт эса инсонларга меҳр беришни ўргатган.

Шунинг учун ҳам бу хонадонда илм ҳеч қачон мансаб учун керак бўлмаган. Илм – одамларга керак бўлиш учун зарур деб билинган.

Бугун Хоразм тиббиёти ҳақида гап кетганда профессор Зариббой Янгибоев номи алоҳида эҳтиром билан тилга олинади. Аммо у кишининг ҳақиқий ҳайкали китобларда ёки мукофотларда эмас.

У кишининг ҳақиқий ҳайкали – шогирдлари қалбида, шифо топган беморлар дуосида, сингилсининг фаҳрга тўлган хотираларида яшайди.

Орзул опа акаси ҳақида сўзлар экан, кўзларида гурур ва соғинч бир вақтнинг ўзида жиллоланади.

– Бизга бойлик қолмаган, – дейди у киши сокин овозда. – Лекин отамиз бизга меҳнат қилишни, ҳалол яшашни ва одамларга яхшилик қилишни ўргатиб кетган. Ака эса шу қадриятларни бутун умри билан исботлаб яшади...

Ҳа, баъзи инсонлар ўз умри билан китоб ёзади.

Янгибоевлар сулоласи ана шундай ҳаётлардан бири.

Илдизлари она заминга туташган, меҳнат билан суғорилган, илм ва инсонийлик билан юксалган тақдирлар...

**Гулчехра МИРЗАЕВА,**  
журналист.

## ■ ФВБ огоҳлантиради

### ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёнғинларнинг аксарияти инсон омили сабабли юзага келади. Электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш, газ ускуналарига эътиборсизлик, очиқ оловдан эҳтиётсиз фойдаланиш – буларнинг барчаси ёнғин келиб чиқишига олиб келади.

Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш маданиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир хонадонда қуйидаги оддий қоидаларга амал қилиш зарур, электр жиҳозларини қаровсиз қолдирмаслик, носоз сим ва ускуналардан фойдаланмаслик, болаларни олов билан ўйнашига йўл қўймаслик, газ жиҳозларини мунтазам текшириб туриш, ёнғин содир бўлган тақдирда зудлик билан тегишли хизматларга мурожаат қилиш.

Ёнғинни олдини олиш – бу фақатгина мутасадди ташкилотларнинг вазифаси эмас, балки ҳар биримизнинг кундалик масъулиятимиздир. Унутманг, эҳтиёт чораси – хавфсизлик гаровидир.

**Ш. ЗУПАРОВ.**

Қорасув қароргоҳи Давлат Резиденцияси ОФВБ кичик инспектори, кичик сержант.

### ДАВР ТАЛАБИ: ДОИМИЙ ЭҲТИЁТКОРЛИКДИР

Ёшлар кундалик ҳаётда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишлари зарур. Уйда электр жиҳозларини назоратсиз қолдирмаслик, газ ускуналаридан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, гугурт ва ёндирувчи буюмларни болалар қўли етмайдиган жойда сақлаш муҳимдир. Шунингдек,

очиқ олов билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатда эҳтиёткорлик талаб этилади.

Ёнғин юз берган тақдирда ваҳимага берилмаслик, дарҳол ёнғин-кутқарув хизматида хабар бериш, имкон қадар хавфсиз жойга чиқиш ва бошқаларга ёрдам кўрсатиш керак. Энг муҳими, ўз ҳаётини хавф остига қўймаслик лозим. Хулоса қилиб айтганда, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳар бир ёшнинг фуқаролик бурчидир. Ёшлар ойлиги доирасида ўтказиладиган тарғибот ва тушунтириш ишлари ёшлар орасида хавфсизлик маданиятини оширишга, ёнғинларнинг олдини олишга ва инсонлар ҳаётини асрашга хизмат қилади. Келажакимиз эгалари бўлган ёшлар хавфсизлик қоидаларини чуқур билиб, уларга доимо амал қилишлари зарур.

**А. МЎМИНЖАНОВ.**

Қорасув қароргоҳи Давлат Резиденцияси ОФВБ кичик инспектори, 3-даражали сержант.

## Эътироф

## ЭЗГУЛИКНИНГ БАРДАВОМ МАНЗИЛЛАРИ

Эътирофлиси шундаки, Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир соҳага қаратилаётган эътибор жамиятимиз тараққиётининг янада ривожланиб боришида муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Айниқса, Президентимизнинг тиббиёт тизимини ҳар бир йўналишини қўллаб-қувватлаётганликлари соҳа ривожини янада такомиллашувида асосий ўринга эга бўлмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимига бўлаётган эътибор бундан мустасно эмас.

сўз билан айтганда юртимизда байрамларимиз кўп. Албатта, ана шундай қувончли кунларда ассоциациямиз томонидан байрам дастурхонлари ёзилиб, қимматбаҳо совғалар тақдим қилинади. Хотира ва кадрлаш ҳамда Қурбон Ҳайити байрамида меҳнат фахрийларимиз иштирокида файзли тадбир бўлиб ўтди. Мана шу тадбир доирасида Ҳамширалар академияси ҳамда Ўзбекистон Ҳамширалари ассоциацияси ўртасида меморандум имзоланди. Шу ўринда айтишим жоизки, Юртбошимизнинг тиббиёт йўналишидаги, айниқса, тиббий таълимга бўлган эътиборлари шундаки, қабул қилинаётган бу каби келишувлар етук кадрларни тайёрлашда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Албатта, мазкур келишув ҳамшираларимиз учун қуйидаги имкониятлар эшигини очади.



касбий даражасини ошириш бўйича қўшма лойиҳалар, илмий тадқиқотлар, ҳамширалик иши соҳасида илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш ва халқаро тажрибани татбиқ этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Қисқа қилиб айтганда, бизнинг мақсадимиз – билимли, тажрибали ва замо-

Биринчи навбатда вазифамиз ассоциациямизга аъзо бўлган меҳнат фахрийлари ва фаолиятдаги соҳа ходимларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар хизматини қўллаб-қувватлашдир. Шунингдек, тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ходимлар ва уларнинг оила-аъзоларига ассоциация томонидан амалий ёрдам кўрсатишдир. Байрамлар ичида болажонларимиз учун қувончларга бой бўлган Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига ҳар йили шифохоналарда даволанаётган бемор болажонлар ва ходимларнинг фарзандлари учун байрам тадбирлар уюштирилиб, қимматбаҳо совғалар тақдим этилади. Албатта, бу каби эзгулик манзиллари давом этаверади. Мақсадимиз эса халқимиз саломатлигини асраш ҳамда турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганлиги билан аҳамият-лидир.

**Гулнора УСМОНОВА,**  
Ўзбекистон Ҳамширалар  
ассоциацияси раиси.



Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси раиси сифатида айтмоқчиманки, кейинги йилларда тиббиёт тизимида фаолият юритаётган соҳа ходимлари меҳнатининг қўллаб-қувватланаётганлиги, шунингдек, аҳоли саломатлиги учун яратилаётган шароит ва имкониятлар, айниқса, замонавий тиббиёт муассасаларининг бунёд этилиши, ҳар бир шифо масканларининг сўнгги русумдаги аппаратуралар билан жиҳозланаётганлиги, бу албатта, Ўзбекистонимиз тиббиётининг дунёхамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб келатганлигидан далолатдир. Шу

ўринда Юртбошимизнинг ҳар бир соҳа вакиллари орасида кўп йиллар давомида меҳнат қилган ва ҳозирда ҳам фидойиларча фаолиятини давом эттираётган инсонларга бўлган эътибор, эҳтиром ва ғамхўрликларини кўриб жуда хурсанд бўлиб кетаман. Шундай экан, “Бир инсон кўнглини олмоқ, Каъбани обод этган билан баробар” деган пурмаъно ибора бежизга айтилмаган...

Ассоциациямизда ҳам бугунги кунда кексалик гаштини суриб келатган меҳнат фахрийларимиз ҳанузгача ёшларимизга ибрат бўлиб, ўзларининг маслаҳат ва тавсияларини бериб келишмоқда. Бир



Замонавий ўқув дастурлари, назарий билим ва амалий кўникмаларни уйғунлаштирган ҳолда кадрларни тайёрлайди, малака тоифаларини такомиллаштиради. Бунинг баробарида ҳамшираларнинг

навий технологияларни мукамал эгаллаган ҳамшираларни етиштириш орқали тиббий хизмат сифатини янги даражага кўтаришдан иборатдир.

Ассоциациямиз кенг қўламда фаолият олиб боради.

## ФВБ огоҳлантиради

## ОСОЙИШТАЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК ЗАРУР

Зилзила содир бўлганда ақл-заковат билан иш қўрилса шикастланмаслик даражасини анча юқори кўтарган бўламыз, тебранишни сезган вақтимизда секин-аста хавфсиз жойга ҳаракат қилишимиз лозим, асосий хавф бинодаги осма-анжомлардир. Аввало, тинчланинг, ҳеч қандай қалтис ҳаракат қилманг, бақирманг ва атрофдагиларни қойиманг. Бинода бўлсангиз хавфсиз жойлардан: эшик олдилари, деворнинг ички бурчаклари, сейсмик белбоғ остиларидан бирортасини эгалланг. Дераза ва чайқалувчи оғир буюмлардан узоқроқда туринг.

Ҳеч вақт юқори қаватдаги бинодан чиқиб кетишни ўйламанг. Аксинча, тебраниш ўтиб кетгунча бино ичидан паноҳ қидиринг, тебранишдан сўнг бинони тарқ этинг. Кўп қаватли уйда турсангиз лифддан фойдаланманг. Сейсмик бардоши кам бўлган гиштли ва хавфли бинолардан ташқарига зудлик билан чиқиб, бунда электр тармоқлари, буюмлар ҳаракатидан огоҳ бўлиш лозим. Очiq жойда бўлсангиз биноларга, электр тармоқларига яқин турмаслик керак.

Энг муҳими, турли офат содир бўлганда асабингизни бузманг, осойишталик ва хотиржамлик билан иш тутинг.

**Д. НАСРУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазир қотибияти  
Ҳукумат уйи биносидан фойдаланиш бошқармасида  
ва хўжалик фаолияти бошқармаси автохўжалиги  
биноси кичик инспектори, қатта сержант.

## ШАМОЛДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Фавқуллодаги вазиятда олдиндан тайёргарлик (профилактика). Уй томини ва дераза-эшикларни мустаҳкамлаш, ховлидаги енгил буюмларни (челақ, стол, листлар) йиғиштириб қўйиш, дарахт шохларини кесиб, хавфли қисмларини олиб ташлаш, электр симлари ва устунларини текширтириш, фавқуллода сумка тайёрлаш (фонар, сув, дори, хужжатлар).

Шамол бошланганда нима қилиш керак? Имкон қадар уй ичида қолинг, дераза ва ойналардан узоқ туринг, электр жиҳоз-

ларини ўчириб қўйинг, болалар ва қарияларни хавфсиз жойга жойлаштиринг, зарур бўлмаса ташқарига чиқманг. Ташқарида бўлсангиз, дарахтлар, реклама баннерлари, электр устунларидан узоқлашинг, машинада бўлсангиз, хавфсиз жойда тўхтанг. Шамолдан кейин эҳтиёт чоралари. Узилган электр симларига яқинлашманг, газ сизиб чиқаётган бўлса дарҳол мутахассис чақиринг, шикастланган жойларни текширинг зарурат бўлса, фавқуллода вазиятлар вазирлигига мурожаат қилинг.

**Муҳим эслатма:** Об-ҳаво огоҳлантиришларига эътибор беринг. Телефонингиз қувватланган бўлсин, фавқуллода алоқа рақамларини ёдда сақланг.

**Р. ЮЛДАШЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазир қотибияти  
Ҳукумат уйи биносидан фойдаланиш бошқармасида  
ва хўжалик фаолияти бошқармаси автохўжалиги  
биноси кичик инспектори, кичик сержант.



Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.

Электрон манзилимиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир  
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Тахририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми  
**2 босма табоқ.**  
Формати А3. Офсет  
усулида чоп этилган.

Адади - 550 дона.  
Буюртма рақами Г-638.

Босмаҳонага  
топирилиш вақти:  
21-00. 3 4 5 6 7  
Топирилди 23-00.